

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

# SOHA LINGVISTIKASI: TILSHUNOSLIK VA TIBBIYOT INTEGRATSIYASINING MUAMMOLARI, YECHIMLARI HAMDA ISTIQBOLLARI

10-NOYABR 2021

BUXORO, UZBEKISTAN

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**

**OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI**

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI**

# SOHA LINGVISTIKASI: TILSHUNOSLIK VA TIBBIYOT INTEGRATSIYASINING MUAMMOLARI, YECHIMLARI HAMDA ISTIQBOLLARI

**mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari**

***Buxoro, 10-noyabr, 2021-yil***

**© Tadqiqot.uz**

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

BUKHARA STATE UNIVERSITY

# LINGUISTICS OF DIFFERENT FIELDS: PROBLEMS, SOLUTIONS AND PROSPECTS OF LINGUISTICS AND MEDICAL INTEGRATION

## INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE

**Bukhara, November 10, 2021**

© Tadqiqot.uz

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

# ОТРАСЛЕВАЯ ЛИНГВИСТИКА: ЗАДАЧИ, РЕШЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ ЛИНГВИСТИКИ И МЕДИЦИНСКОЙ ИНТЕГРАЦИИ

**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ**

**Бухара, 10 ноября 2021 г.**

**© Tadqiqot.uz**

***“Soha lingvistikasi: tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasining muammolari, yechimlari hamda istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari.–Buxoro: Tadqiqot.uz, 2021.***

Buxoro davlat universiteti O`zbekiston Respublikasi oliy va o`rta maxsus ta’lim vazirligi, O`zbekiston Respublikasi innovatsion rivojlanish vazirligi, O`zbekiston Respublikasi sog`liqni saqlash vazirligi, O`zbekiston Respublikasi tadqiqot.uz. markazi, Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti bilan hamkorlikda “Soha lingvistikasi: tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasining muammolari, yechimlari hamda istiqbollari” mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya o‘tkazdi.

O‘zbek, rus, ingliz tillaridagi mazkur konferensiya materiallarida tilshunoslikda til, shaxs, jamiyat munosabatlari tadqiqi muammolari va innovatsion g`oyalar tizimini shakllantirish istiqbollari; o‘zbek tili tibbiyot leksikografiyasi va terminologiyasini rivojlantirish ijtimoiy zaruriyat; tibbiyot ta’limida lingvokulturologiya va psixolingvistikaning ahamiyati hamda dolzarbligi; tibbiy birliklarning lingvopoetik tadqiqi; amaliy filologiyani rivojlantirish kabi mavzular doirasida mulohaza yuritilgan.

**Mas’ul muharrir** — **filologiya fanlari doktori, professor Abuzalova M.Q.**

**Taqrizchilar** — **filologiya fanlari nomzodi, dotsent Nazarova S.A.**

**filologiya fanlari nomzodi, dotsent G‘aybullayeva N.I.**

**tibbiyt fanlari doktori (PhD), dotsent Ixtiyarova G.A.**

**To‘plovchi va nashrga tayyorlovchi** — **pedagogika fanlari nomzodi, professor Yuldasheva D.N.**

*Mazkur to`plamga kiritilgan maqolalar va tezislarning mazmuni, statistik ma’lumotlar hamda bildirilgan fikr hamda mulohazalarga mualliflarning o`zlari mas’uldirlar.*

**© Buxoro, Tadqiqot.uz, 2021**

қилинади». Дарҳақиқат, жамият, давр ва тиббиёт соҳасининг тараққийлашуви билан мазкур ўзгаришларни ўзида ифода этувчи терминларга эҳтиёж сезилди ҳамда улар «ижод қилинди». Ҳозирги кунда ҳам бу жараён давом этмоқда. Янгидан янги касалликлар кашф қилиниши билан уларга даъво чоралари изланмоқда. Мазкур ўзгаришлар нафақат тиббиётда, балки тилшуносликнинг ономасиология ҳамда лексикография соҳаларида ҳам ўз аксини топиб, уларни ҳам бойитиб бормоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати :**

1. С.Якубова, Ф.Тўлаганов. Русча-лотинча-ўзбекча медицина луғати. –Т., 1978.
2. Усмонхўжаев А., Нажмиддинов О., Муродова М. Мўжаз тиббий луғат: тиббий атамалар русча-ўзбекча луғати. –Т., 1992.
3. Шарқ ҳикоят ва ривоятлари. Биринчи китоб. (Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов). – Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2015. – 525 б.
4. Эрназаров Т. Шифокор деонтологияси ва тиббий ахлоқ. (Электрон ресурс).

# 3-SHO`BA.
# TIBBIYOT TA’LIMIDA LINGVOKULTUROLOGIYA VA PSIXOLINGVISTIKANING AHAMIYATI HAMDA DOLZARBLIGI

## Тиббиёт соҳасида перифразалар

**Аҳмадова Умидахон Шавкат қизи**[*]
**Бозорова Гулмира Зайниддиновна**[†]
**Миржонов Носир Нумонович**[‡]
**10.5281/zenodo.5685561**

**Аннотация.** Мақолада жамиятнинг муҳим бўғини хисобланган шифокор, ушбу соҳа вакиллари, шу соҳа билан боғлиқ терминларга нисбатан қўлланувчи перифрастик бирликлар нутқий мулоқотни бойитувчи, муомала алоқа-аралашувини таъминловчи асосий восита ҳисобланиши тиббий бирликлар мисолида асосланган.

**Калит сўзлар:** *перифраза, нутқ, нутқий мулоқот, жамият, социал, муомала, маданият, касб, тил, тилшунослик, тиббий мулоқот, такрор қўллаш*

Тилда муқаддас туйғулар ўз ифодасини топар экан, ўзбек тилидаги ўзига хослик, миллийлик тиббиёт тилида ҳам ўзгариш ҳосил қилиб, касбий мулоқот жараёнида перифрастик бирликлардан фойдаланиш одат тусига айланмоқда. Дунёда турли-туман касблар, бир-биридан турфа ҳунарлар

[**] **Бухоро давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси, ф.ф.ф.д. (PhD) u.s.ahmadova@buxdu.uz**
[†] **Бухоро давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси мустақил тадқиқотчиси; Бухоро давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси мустақил тадқиқотчиси.**

борки, уларнинг ҳар бири ўзига хос иш қуролларидан, ўз касби, ҳунари моҳиятидан келиб чиқадиган атамаю профессионализмлардан, касб-ҳунарига моҳиятан боғлиқ тил ҳамда нутқ бирликларидан фойдаланади. Масалан, деҳқоннинг асосий қуроли – кетмон, дурадгорники эса теша, арра. Жарроҳники – тиғ, қассобники – пичоқ, болта, тикувчиники – игна, ип. Деҳқон кетмони билан тақир ерда бетакрор боғ барпо этади, гўзаллик яратади.

Айтиш жоизки, ҳар бир соҳа вакилларининг, ҳунар эгаларининг, ўзига хос социал қатламларнинг нутқини «танитиб турувчи» терминлари, атамалари билан бирга перифразалари ҳам бўлади. Масалан,

1. Деҳқонлар нутқи перифразалари.
2. Ҳунармандлар нутқи перифразалари.
3. Чорвадорлар нутқи перифразалари.
4. Тиббиёт ходимлари нутқи перифразалари.
5. Педагоглар нутқи перифразалари.
6. Матбуотчилар нутқи перифразалари.
7. Диний соҳа вакиллари нутқи перифразалари.
8. Ижодкорлар нутқи перифразалари.
9. Қурувчилар нутқи перифразалари.
10. Олимлар нутқи перифразалари ва бошқалар.

Перифразаларнинг ижтимоий касбий таснифга кўра турлари хусусида мулоҳаза юритаётганда икки жиҳатни фарқлаб олиш муҳим деб ҳисоблаймиз. Биринчиси – муайян социал объект ҳақида айтилган перифразалар ҳамда иккинчиси – ижтимоий касб, ҳунар, соҳа вакилларининг нутқида кенг ёки алоҳида қўлланилувчи перифразалар. Масалан, *саломатлик посбонлари* – шифокорлар ҳақида айтилган перифраза бўлса, *ҳақиқий адреналин* – шифо маъносини берувчи касбий перифраза ҳисобланади.

Инсон саломатлигини сақлаш учун курашувчи соҳа вакиллари нутқида ўзига хос перифразалар борлиги тиббиёт ходимлари нутқига хос перифразаларни ажратишга асос бўлади. Негаки, соҳа вакилларига нисбатан *саломатлик посбонлари*, *оқ халат соҳиблари*, *Гипократ қасамини ичганлар*, *шифо соҳиблари*, *Ибн Сино издошлари* (шифокорлар)каби перифразалар нутқда фаол қўлланилади.

Бетакрор, гўзал, бой, тенгсиз хазина бўлган тилимиздаги тиббий перифразаларни қуйидаги мисоллар орқали далиллашга ҳаракат қиламиз:

*Конференцияда ўрта асрлар Шарқ алломаларининг тиббиёт ривожига қўшган ҳиссасига оид маърузам билан қатнашдим. Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби алломалар илмий меросини катта қизиқиш билан ўрганганман ва* ***тиббиёт илмининг султони*** *– Абу Али ибн Сино жаҳон тиббиёти тараққиётига беқиёс ҳисса қўшгани «Тиб қонунлари» асари Европа ва дунёдаги бошқа қатор давлатларнинг тиббиёт олий ўқув юртларида абадий чашма бўлиб хизмат қилмоқда* (Барбара Потрата, Кембриж университетининг Марказий Осиё бўйича форуми илмий ходими нутқидан (Буюк Биритания)).

***Табиблар бобокалони*** *Абу Али ибн Сино баъзи касалликларни ёнғоқ билан даволаш ҳақида ёзади*[Айтбоев, 2007: 28].

***Табобат илмининг султони*** *Абу Али ибн Сино анор пўстлоғини қон қусишда, милк ва ичакдан қон кетганда, шунингдек, пешоб ҳайдовчи, яра ва жароҳатларга малҳам сифатида ишлатган* [«Postda», 2018. № 71].

*Буюк бобомиз,* ***тиб илмининг султони*** *Ибн Сино она сутини қуёшга қиёслаган. Алломанинг таъбирича, ер юзидаги мавжудотлар учун қуёш нури қанчалик зарур бўлса, бола учун она сути шунчалик ҳаётбахшдир* [«Postda», 2018. № 70].

*«COVID – 19» касаллигини енгиб ўтишда халқимиздан кучли ирода, сабр талаб этилар экан,* ***шифокорлар пири*** *Абу Али ибн Сино айтиб ўтганларидек, биринчи навбатда, руҳий хотиржамликка амал қилсаккина, ижобий натижаларга эриша оламиз* [Ҳамшира Ирода Элназарова нутқидан].

***Оқ халатли фидойилар*** *шарофати билан биз бугун тузалдик, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевга ҳам миннатдорчилик билдирамиз* [«Ахборот 24» дастуридан, 10.04.2020].

«*Баркамол авлод – 2014*» *спорт мусобақаларида наманганлик* ***саломатлик посбонлари*** *зиммасига мусобақа иштирокчиларининг соғлиғини муҳофаза этиш вазифаси юклатилган*[«Маърифат», 2014. № 33].

*Медицина фанлари кандидати Мурод Али саккиз ойдан бери ўлим тўшагида «ана кетди, мана кетди» бўлиб ётар, шаҳарнинг ман-ман деган* ***тиб арбоблари*** *унинг чиқай-чиқай деб турган жонини минг чора ва тадбир билан ҳалқумида зўрға тутиб туришар эди* [Қаҳҳор. 2016: 3].

Юқоридаги мисоллар таркибидаги *тиббиёт илмининг султони, табиблар бобокалони, табобат илмининг султони, тиб илмининг султони, шифокорлар пири* перифразалари Абу Али ибн Сино, оқ *халатли фидойилар, саломатлик посбонлари, тиб арбоблари* эса шифокорлартавсифи билан боғлиқ бўлса, қуйидагилар тиббиёт ходимларининг касбий фаолияти билан алоқадордир. Чунончи:

*Тана шундай* ***буюк устун*** *эканки, у бизни сақлаб туради* [«Саломатлик сирлари» кўрсатувидан].

*Тутқаноқ хуружидан икки-уч дақиқа олдин кузатиладиган* ***даракчи белгилар*** *тиббиётда аура деб аталади, унинг бир нечта турлари бор*[«Postda», 2018. № 71].

*Интернет оммавий хавотирлар сабабчиси бўлиб, бугун шифокорлар,интернет –* ***замонавий тиббиётнинг душмани*** *деган фикрни қайта-қайта таъкидлашиб, уларнинг фикрича, кўпчилик беморлар касаллик ҳақида интернет тармоғи маълумотлари асосида ўзларига ташхис қўйиб, мустақил равишда даволанишга уринишмоқда*[«Давр», Эъзозахон Абдуллаева нутқидан].

*Туғруқхоналарда чақалоқни туғилган заҳоти она бағрига босиш ва* ***кўкрак сути*** *билан озиқлантириш йўлга қўйилди* [«Postda», 2018. № 70].

*Онага табиат томонидан туҳфа этилган бу* ***мўъжизавий неъмат*** *миттивой вужудида енгил ҳазм бўлиб, унинг соғлом ривожланишида катта аҳамият касб этади* [«Postda», 2018. № 70].

***Тана қироли*** *инсон бутун вужудини бошқарувчи вазифасини бажарибгина қолмай, ҳаёт йўлини белгилаб берувчи омил ҳисобланади* [«Саломатлик сирлари» кўрсатувидан].

*Бош врачнинг хонасида ўтирганида даволовчи доктор **тиб илми**га хос тилда хасталик сабабларини баён қилди. Унинг гаплари Асадбекнинг қулоғига кирмади* [Малик, 2018: 339].

*Бутун дунёни қамраб олган «COVID – 19» вирусини бугунги вақтга келиб мутахассислар **тождор вирус** деб аташмоқда* [Ҳамшира Ҳанифа Ҳотамова нутқидан].

*Қанча давом этишини билмадиму, бу **тушсиз уйқу** балки узоқ, балки қисқа вақтгача давом этар* [Сўзлашувдан].

*Ўпка инсон учун **ширин нафас соҳиби** бўлиб, у инсонни, танани тоза ҳаво билан тўйинтиради* [«Пулс 11 41» кўрсатувидан].

*Инсон учун бел **қадди-қомат тахти** ҳисобланади. Шу тахтни асраб, вақтида даволамасак, кўплаб дардларнинг юзага келишига сабаб бўлади* [«Саломатлик сирлари» кўрсатувидан].

***Қулоғи гуллаган**лиги сабабли одатда баландроқ гапиришга тўғри келади* [Сўзлашувдан].

*Машаққат тортиб тўққиз ой вужудида эркалаб ва ниҳоят **ҳаёт нури** берилиши аёл кишидан катта ирода талаб этади*[«Пулс 11 41» кўрсатувидан].

*Биз ҳар бир вужуд, уриб турган ҳар бир **ҳаёт тимсоли** учун курашяпмиз* [Ҳамшира Ирода Элназарова нутқидан].

Демак, *буюк устун* (тана), *даракчи белгилар* (аура), *замонавий тиббиётнинг душмани* (интернет), *кўкрак сути* (озуқа), *мўъжизавий неъмат* (она сути), *тана қироли* (юрак), *тиб илми* (тиббиёт), *тождор вирус* (касаллик), *тушсиз уйқу* (кома ҳолати), *ширин нафас соҳиби* (ўпка), *қадди-қомат тахти* (бел), *қулоқ гуллаши* (карлик), *ҳаёт нури бериш* (эмизиш), *ҳаёт тимсоли* (инсон) шифокорлар нутқи перифразаларидир.

Бундан ташқари, шифокорлар нутқида перифразалар айтилиши уят саналган физиологик жараён ва ҳодисалар, жинсий аъзо номлари кабиларни нутқда очиқ ишлатиб бўлмаслиги боис уларни алмаштирувчи *уят жой, аврат, нажас, ҳомиладор, жисмоний яқинлик* каби (сиртдан қараганда перифразаларга ўхшаш, аммо улардан кескин фарқланувчи) эвфемизмлар билан баравар қўлланилади.

Перифраза лисон ва нутқ фарқланиши юзасидан таҳлил қилинса, перифразада ҳар иккала лисоний ва нутқий ўзига хослик хусусияти мавжуд эканлиги кўзга ташланади. Иккита хусусиятни ҳам бирлаштириб, ҳам алоҳида-алоҳида парадигмада таҳлилларини амалга оширса бўлади. Чунки, перифраза кунда нутқда, нутқий мулоқот жараёнида яратилади. Журналистлар, сиёсий шарҳловчилар, шифокорлар, деҳқонлар, педагоглар, ўқувчилар, талабалар каби жамиятнинг исталган барча ижтимоий-социал қатламлари нутқида бунёд бўлади. Масалага перифразани кундалик мулоқот жараёнида қўлланиш хусусиятини ҳисобга олиб ёндашилса,нутқий босқичда туради. Масалан, кумуш пояндоз (қор), саховат момоси (ёмғир), тандир тафт (иссиқ, жазирама), бағри оташ мўжиза (тандир) каби бирликлар нутқдан тилга кўчиб, фаоллашса, лисон босқичига кўтарилади. Ўз-ўзидан маълум бўладики, мана шу типдаги перифразалар кунда туғилади, бироқ мулоқот жараёнида доимий равишда ушбу перифразалардан фойдаланилмайди.

Масалан, машҳур, буюк шахсларга нисбатан қўлланиладиган перифразалар борки, улар фаол қўланилиши натижасида оммалашади. Масалан, *тиббиёт илмининг султони, табиблар бобокалони – Абу Али ибн Сино* мазмунидаги ўзига хос такрорийликни мужассамлаштирган бирликлар ўқувчилар орасида кенг қўлланилади ва лисон босқичига ўтади. Бироқ, шундай перифразалар борки, шахс, нарса, предмет, воситаларга нисбатан ишлатилади ва шу ерда туғилади-ю, шу ердан, шу нутқдан бошқа жойда қўлланилмайди, лисон босқичига кўтарилмайди. Агарда нутқдан тилга кўчиб оммалашса, лисоний босқичга киради. Аксинча, оммалашмаса нутқий босқичда қолади. Ваҳоланки, энг кўп перифразалар бугунги кунда нутқ босқичида турибди.

Мураккаб табиатли хусусиятга эга бўлган перифраза аташ хусусиятига кўра сўз варианти (мантиқий маънодоши) ёки муайян лексема парадигмасида турувчи ҳосила ҳисобланса-да, тузилишига кўра, воқеа-ҳодиса, белги, шахс ёки нарсани образли ифодалашига қараб, шунингдек, таркиби бирдан ортиқ сўздан иборатлигига кўра ўзига ёндош ҳодисалар таърифига мос келмайди. Перифраза уч аъзоли тузилишга эга бўлиб, унинг биринчи, энг муҳим аьзоси номинатив сўз – номинант, перифразаланаётган сўз. Иккинчи аъзо – бу перифразалаётган компонент; учинчи компонент – бу перифразаланган таркибий қисм. Унинг тузилиш моделини қуйидагича бериш мумкин: (Қаранг: 1.1-расм).

перифразаланаётган қисм (шифокорлар)    перифразалаётган қисм (саломатлик)



перифразаланган қисм (посбонлари)

1.1-расм. Перифразаларнинг уч компонентли умумлашма образи

Шифокор билан бемор мулоқотини мустаҳкамлашда перифрастик бирликлар муҳим амалий аҳамият касб этади. Соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзини ташкиллаштириш, такомиллаштириш ишларида муваффақиятга эришишда ёрдам беради. Юқорида келтирилган тиббий перифрастик бирликлар жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланган шифокорларнинг касбий фаолиятига алоқадордир.

Хулоса қилиб айтганда, перифраза (тасвирий ифода)лар битта тушунчани ифодалайдиган, бир сўзни иккинчи янги бир мос бирликка алмаштириш, матндаги сўзни лексик маъно қирраси асосида образли, баъзан пленастик тасвирлаш орқали унинг таъсир доирасини ошириш ва шу асосда нутқни услубан диққаттортар, жозибадор бутунлик даражасига кўтариш хусусиятига эга бўлган нутқий ҳодисадир.

**Адабиётлар:**

1. Айтбоев Д. Конкрет шахсларни англатувчи перифразаларда мотивлашув // Тил ва адабиёт таълими. 2007, № 4. – Б. 34-39.
2. Малик Т. Шайтанат. – Тошкент: O'qituvchi, 2018. 1-жилд. – 798 б.
3. Қаххор А. Муҳаббат. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 198 б.
4. Abuzalova M., Qobilova A.www.uzmuxabarlari.uz

## Мұқағали Мақатаев әңгімелеріндегі психологизм
## Psychologism in the stories of mukagali Makatayev

**Абдуллина Анар Бորановна***
**10.5281/zenodo.5685599**

**Annotation.** The article discussed the problem of psychologism in the stories of the honored Kazakh poet Mukagali Makatayev. The writer's stories are based on the imagination, character, and fun of children and teenagers. Although the main characters of the work are children, the unity of theme and Idea, the relationship between content and form are studied in a realistic and psychological way.

**Keywords**: psychologism, character, subject, idea, plot, composition, story.

Қазақ топырағында ақын ретінде есімі талай жұртшылыққа аян Мұқағали Мақатаев – қазақ әдебиетіндегі сонау Жүсіпбек, Мағжан салған, өзімен тетелес Т.Әлімқұлов, О.Бөкей, Т.Жармағанбетов секілді жазушылар шығармашылығымен үндес болып келетін лирикалық прозаның айқын шебері. Жалпы, әдебиеттанудағы лирикалық проза – адам образын сомдаудағы нәзік лиризмге, асқақ психологияға, адами болмысқа, шынайы да боямасыз мінез-құлыққа негізделетін ерекше жанр. Осы ретте М.Мақатаевтың әңгімелеріндегі нәзіктік пен сыршылдыққа тоқталсақ. «Құлпытас» әңгімесі – бала-көңіл, сәби-жүрек Зияштың жасандылықтан ада, адамзат ауылынан алыс кеткен адалдыққа құштар, қым-қуыт арпалысқан өмірден гөрі тазалықты, минимализмді сүйетін шыншыл көңілге ынтық, адамдар арасындағы бәрінен де қымбат сыйластықты, сүйіспеншілікті көргісі келетін әдемі әлемге құрылған шығармасы. Автор бір ғана Зияш образы арқылы тазалықтың, пәк көңілдің, байлықтан да қымбат тек қана бақыттың дәмін, өмірдің мәнін көрсетеді. Балалар әдебиетіндегі ең басты критерий – балалар ойының ерексектерге қарағанда жүйріктігі, сезім жүйесінің ең жоғарғы дәрежедегі дамуы, тіпті үлкендерге «үлкендер» секілді карауында. Міне, қанша жерден «бала ғой», «не біледі дейсің», «уақыт өте қояды» деген сықылды сөздермен алдаусыратып, «ақтап» алсақ та, бала жүректің сонау түкпірінде сақталып, жатталып қалып, үлкен өмір айдынында мәңгілікке жаңғырып тұрар ішкі дауыс екенін көп адам біле бермесе керек. Трамвайдың ішінде отырып, балалық шақтың тәтті мезетіне көз жүгіртуі – адами фактордың, рационалистік көзқарастың, шынайы сезімнің осы кезден бастап санаға іргетас болып қалатынын меңзейтін көрініс. Зияш арқылы автор өмірлік көзқарастың нәзік иірімін, ешкім сезе бермейтін, көп адам бағалай

* Қ.Жұбанов атындағы Ақтөбе өңірлік университеті Филология магистрі

# МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| **Rasmiy ochilish. Tabriklar** | | |
| ***Hamidov O.H.*** | *Rasmiy ochilish* | **6** |
| ***Inoyatov A.Sh.*** | *Tibbiyot va til mushtarakligi* | **8** |
| ***Daminov M.I.*** | *Til va madaniyat* | **9** |
| ***Qahhorov O.S.*** | *Davlat tili - millatning tirik nafasi* | **10** |
| ***Xuseynova A.A.*** | *Soha lingvistikasini rivojlantirish – davr talabi* | **11** |
| ***Aslonova E.S.*** | *Государственный язык – неотьемлемая часть духовной национальной културы государства* | **12** |
| **Yalpi majlis ma'ruzalari** | | |
| ***Mengliyev B.R.*** | *Tilshunoslik samara bersin.* | **15** |
| ***Abuzalova M.Q.*** | *Lingvistika va tibbiyot hamkorligi ijtimoiy zarurat sifatida* | **17** |
| ***Чудакова В.П.*** | *Психология пациента и этика врача* | **22** |
| ***Ixtiyarova G.A.*** | *Ginekologik kasallikni ifodalovchi tibbiy terminlar talqini* | **25** |
| ***Mұratbek B.Q.*** | *Professor Q.Jұbanov yeңbekterindegi sөztanыm negizderi (Q.Jұbanov sөztanыmыndag'ы leksikologiya mәseleleri)* | **27** |
| ***Adilova S.A.*** | *Tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasi (AQSHdagi ayrim universitetlar misolida)* | **36** |
| ***Rajabov D.Z.*** | *O`zbek tilini tadqiq etishda yangicha yondashuvlar* | **40** |
| **1-sho'ba. Tilshunoslikda til, shaxs, jamiyat munosabatlari tadqiqi muammolari va innovatsion g`oyalar tizimini shakllantirish istiqbollari** | | |
| ***Ahmedov B.Y.*** | *Rus va o'zbek tillarida so'zlarning o'zaro tobe bog'lanishi: boshqaruv kategoriyasi* | **42** |
| ***Akhmedov A.R. Po'latova S.M.*** | *O'zbek shevalarini lingvo-geografik xaritalashtirish* | **46** |
| ***Adizova N.I.*** | *Leksik birliklarning milliy o'zlik ruhini ifodalashdagi roli (Erkin Vohidov dostonlari asosida)* | **50** |
| ***Elova D.Q.*** | *O`zbek tili milliy korpusi uchun so`zlashuv uslubiga xos so`zlarni teglash masalasig oid* | **55** |
| ***Fayazova D.S.*** | *Methodological approach in teaching process* | **61** |
| ***Fayazova D.S. Shirinboyeva B.M.*** | *Empowering languageskills through modern methods* | **65** |
| ***Jo'rayeva D.R. Qo'shayeva N.E.*** | *O'quvchilar va aholi imloviy savodxonligini rivojlantirishning dolzarb masalalari* | **68** |
| ***Kurbonov A.M.*** | *Tasks of effective use of the uzbek language* | **71** |
| ***Mengliyev B.R. Hamroyeva Sh.M. Elova D.Q.*** | *Qirg`iz va yoqut tili avtomatik morfoligik tahlil vositalari tajribasidan* | **75** |
| ***Muxtorov E.M.*** | *Vrach kasbiy mahorati tuzilmasida kommunikativ kompetentlikning o`rni* | **79** |
| ***Мұратбек Б.Қ. Саламат Э.С.*** | *Этнолингвистика – этностық болмысты ұлттық тіл арқылы танып білу(Аймақтық лексика негізінде). Ethnolinguistics- knowledge of ethnic identity through the national language (based on regional vocabulary).* | **84** |
| ***Orifjonova F. Orifjonova M.*** | *Critically discussing student teachers' ideas* | **88** |

| | | |
|---|---|---|
| ***Ortiqova G. H.*** | *Harakat tarzi shakllari va nutq* | **93** |
| ***Saduaqas N.A. Ibragimov T.A.*** | *Qazaq tilindegi dыbыs səykestigi turalы* | **97** |
| ***Sayfullayeva R.R. Abuzalova M.Q.*** | *Til – millat ma'naviyati va madaniyati takomilining bosh masalasi* | **102** |
| ***Tosheva D.A.*** | *The use of examples of folklore in the description of the person* | **104** |
| ***To'yeva Z.N.*** | *Bayon –o'quvchining yozma nutqini tartibga solish vositasi* | **111** |
| ***Salomova M.Z.*** | *The role of teaching speaking through technology* | **116** |
| ***Shoimqulova M.Sh.*** | *The integration of technology into language teaching* | **121** |
| ***Sharipova F. N.*** | *Integrating technology in teaching listening skills* | **125** |
| **2-sho'ba. O`zbek tili tibbiyot leksikografiyasi va terminologiyasini rivojlantirish ijtimoiy zaruriyat sifatida** | | |
| ***Nazarova S. A.*** | *So'z birikmasi – tibbiy atamalar "bunyodkori"* | **131** |
| ***Nazarova D.G.*** | *Lexicographic problems of the uzbek language* | **136** |
| ***Rajabov D.Z.*** | *Tibbiy birliklarning elektron lug`atlari xususida* | **139** |
| ***Sobirova D.R.*** | *Qisqalik – samarali tibbiy reklama yaratishning muhim omili* | **141** |
| ***Toirov G.I.*** | *Shifokor nutqining lingvistik xususiyatlari* | **146** |
| ***To`rayeva Sh.*** | *So'z birikmasi tibbiy terminlar tizimida* | **150** |
| ***Xamidova G.Y.*** | *Особенности преподавания медицинской терминологии на уроках русского языка как иностранного* | **153** |
| ***Xojiyeva M. Y.*** | *Shaxsni tavsiflovchi so'z birikmalarining tibbiyotda qo'llanilishi* | **157** |
| ***Yokubova Sh. Y.*** | *Tibbiy matnlarda obyektli birikmalarning voqelanishi* | **161** |
| ***Yuldasheva D.N. Chullieva G.T.*** | *Тишина и тон звука как медицинский эфемизм* | **164** |
| ***Navro`zova M.G`.*** | *Tibbiy birliklar tadqiqi* | **172** |
| **3-sho'ba. Tibbiyot ta'limida lingvokulturologiya va psixolingvistikaning ahamiyati hamda dolzarbligi** | | |
| ***Ahmadova U.Sh. Bozorova G.Z. Mirjonov N.N.*** | *Tibbiyot sohasida perifrazalar* | **174** |
| ***Абдуллина А.Б.*** | *Мұқағали Мақатаев әңгімелеріндегі психологизм Psychologism in the stories of mukagali Makatayev* | **179** |
| *Adizova Nigora Adizova Nodira* | *Alisher Navoiyning tibbiy qarashlari* | **182** |
| ***Gafurova N.T. Hikmatov N.I.*** | *Значение языка в развитии высшего образования* | **185** |
| ***G`aybullayeva N.I.*** | *Tibbiy lingvistik birliklar platformasining amaliy ahamiyati* | **190** |
| ***Hayitov Sh.A.*** | *Alisher Navoiy tib ilmi va tabiblar haqida* | **195** |
| ***Haydarova N.A.*** | *The importance of metaphors usage in medical discourse* | **200** |
| ***Jumayeva M.*** | *O'zbek xalq maqollarida tibbiy birliklarning qo'llanilishi* | **204** |
| ***Kobilova F.T.*** | *The problems of research on methods of foreign filology teaching with innovative approach* | **207** |
| ***Raximov M. M.*** | *Linguotherapy as the method of treatment* | **211** |
| ***Xalikova M.X. Teshayeva M.Sh.*** | *Shoshiyning tibbiyot ilmiga bag'ishlangan "qonuni bositiy" asarida mavjud ayrim tibbiy atamalarning lingvistik tahlili* | **214** |
| ***Niyozova M.F.*** | *Davriy nashrlarda tibbiyotga oid tasviriy vositalarning* | **218** |

| | | |
|---|---|---|
| | *qo'llanilishi* | |
| | **4-sho'ba. Tibbiy birliklarning lingvopoetik tadqiqi** | |
| ***Yusupova D.Y.*** | *Tilshunoslikda evfemizm hodisasi talqini (H.Xudoyberdiyeva she'rlari asosida)* | **222** |
| ***Қалиев Е.М.*** | *«Ант» драмалық дастанының тарихи және фольклорлық негізі*<br>*Historical and folklore basis of the dramatic saga "The Oath"* | **228** |
| ***Yuldasheva M.M.*** | *Tibbiy pedagogik yo'nalish talabalarida milliy an'analar asosida bag'rikenglikni rivojlantirish* | **232** |
| | **5-sho'ba. Amaliy filologiyani rivojlantirish - davr talabi** | |
| ***Ashurbayeva R.Q.*** | *Yosh avlodda tibbiy madaniyatni rivojlantirishda ona tili fanining ahamiyati* | **237** |
| ***Istamova S. I.*** | *Taqlid so'zlarning tibbiyotda qo'llanilishi* | **241** |
| ***Qobilova A.B.*** | *O`zbek va ingliz tili tibbiy perifrazalarining kognitiv-morfologik xususiyatlari* | **245** |
| ***Toshtemirova S.*** | *Tibbiyot lingvistikasi: vujudga kelishi, dolzarbligi, maqsad va vazifalari* | **248** |